

ТЕЛЕГРАМ ПЛАТФОРМАСИНИНГ ЧАТ ЖАНРИ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17111108>

Валиев Элёржон Илхомжон ўғли
Қўқон Давлат Университети тадқиқотчиси

Аннотация

Чат жанри — бу виртуал мулоқотнинг бир шакли бўлиб, у, асосан, матн кўринишидаги тезкор ёзишмалардан иборат. Чат жанри **қисқа ва тез ёзишма, эмоционал ифодалар** (Смайликлар ☺, GIF, стикерлар) **қисқартмалар ва интернет сўзлари** (“ОК”, “лол”, “брб” (be right back), “хд” (ха-ха демокчи), норасмий услубда, яъни грамматик қоидаларга риоя қилмаган ҳолда шакллантирилади².

Калит сўзлар

виртуал жанрлар, мессенжерлар, шахсий чат, нуткий услуб, қисқартмалар, смайликлар, стикерлар.

Чат жанри бу реал вақтда ёзма мулоқот олиб бориш жанри бўлиб, у интернет ва мобиль платформаларда, айниқса мессенжерлар (Telegram, WhatsApp, Messenger ва бошқалар) ва ижтимоий тармоқларда оммалашган.

Чат жанрининг матний тузилишида мурожаат қисми тушиб қолиши ҳам мумкин, одатда оддий саломлашувдан бошланади, асосий қисмда эса маълумот, савол, фикрлар тақдим қилиниши мумкин, асосий хабар қисқа, оддий ва бир нечта сатрда ёзилади, грамматик тўлиқ гаплар талаб қилинмайди, кўпинча ишоравий ва қисқартирилган шаклда бўлади. Чатларда жавоб реакциясининг берилиши ушбу чатдаги перлокутив босқични амалга оширишга хизмат қилади. Чатда олиб бориладиган ҳар

²Чат-средство обмена сообщениями по компьютерной сети в режиме реального времени//Электронный ресурс//<https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A7%D0%B0%D1%82>//Мурожаат қилинган сана:20.07.2025; Чат как устно-письменная коммуникация в интернет-среде//Электронный ресурс// <http://vestnik-ggu.ru/doc/lisov.pdf> //Мурожаат қилинган сана: 20.07.2027; Чат: что такое, как работает, основные принципы//Электронный ресурс//<https://skyeng.ru/magazine/wiki/it-industriya/chto-takoe-chat/?ysclid=megq6n409z156005168> //Мурожаат қилинган сана//20.07.2025; Чат (программа)//Электронный ресурс//<https://kartaslov.ru/%D0%BA%D0%B0%D1%80%D1%82%D0%B0%D0%B7%D0%BD%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D0%B9/%D0%A7%D0%B0%D1%82+%28%D0%BF%D1%80%D0%BE%D0%B3%D1%80%D0%B0%D0%BC%D0%BC%D0%B0%29> //Мурожаат қилинган сана: 20.07.2025 ва бошқалар.

қандай суҳбатда сўзлар, гаплар, матнлар, шунингдек, мультимодал воситалар, эмотиконлар, стикерлар ёки GIF кабилардан фойдаланиш, аудио, видеоёзувлар юбориш имконияти мавжуд. Чат жанри микроматн, макроматн, гиперматн шаклида тузилиши мумкин. Чат жанри кўп босқичли мулоқотни юзага келтиради, шу боисдан чат жанрида саволлар ва жавоблар занжири шаклланади.

Мисол:

- | | | |
|---|---------|------------|
| — | Ишга | бордингми? |
| — | Ҳа, | бордим |
| — | Йиғилиш | бўлдимми? |
- Йўқ, эртага экан.

Чат жанри норасмий нутққа асосланганлиги боис ушбу жанрда қисқартмалар ва сленглар қўлланилиши мумкин: "ок", "бн" (билан), "тезр", "келаолмиман", "тўғриси". Шунингдек, кодлар алмашинуви ва тиллар ўзгариши, стилистик воситалардан фойдаланиш каби тил воситалари иштирок этади. Масалан, русча: "ща", "норм", "чё", "пасиб", "окей", инглизча: "LOL", "brb", "u2", "idk" кабилар.

Чат жанрида якуний қисмнинг ўзига хослиги шундаки, адресантлар ва адресатлар хайрлашишда социолингвистик меъёрларга амал қилиб хайрлашади. Шу сабабли "Раҳмат", "Кейин гаплашамиз", "Хайр", "Сог бўлинг", "Кечирасиз, кетишим керак" каби норасмий шаклдаги хайрлашув сўзлари ва сўз бирикмалари, гаплардан фойдаланилади. Масалан,

— Хўн, раҳмат

— Хайр, кейинроқ ёзаман.

Шуни айтиш керакки, расмий чатда имло ва ахлоққа риоя қилинади, норасмий чатларда эса эркин мулоқот услуби етакчилик қилади. Чат жанрининг матний тузилиши социолингвистик характерга эга. Чат жанри дўстлар ўртасида ёки иш юзасидан ёзишмаларда турли муносабатларга асосланиб тузилади. Масалан, телеграм чатларида расмий мулоқот шаклларида *Ассалому алайкум, ва алайкум ва ва алайкум ассалом* типигади саломлашув нутқий акти жуфтлиги қатнашиши шарт. Ассалому алайкум сўзига салом деб жавоб қайтариш ўзаро муносабатларда иерархик муносабат шакллантиради, яъни алик олувчи мавқеъ жихатдан юқори бўлса, салом деб жавоб ёзиши мумкин. Аммо бу жавоб жаво берувчининг адресантга бўлган муносабатида ушбу шахсни узоқроқда тутиш нияти мавжудлигини англатади.

Telegram чатларида код алмашиш (code-switching) ўзига хос бўлиб, телеграмдан фойдаланувчилар ўзбек тили билан биргаликда русча, инглизча сўзлардан ҳам фойдаланадилар. Масалан: “Бугун собраниям бор, шунга ўтиришда қатнашолмайман. Бу ҳолат кўпинча билими бор, кўп тили шахсларга хос бўлади. Бундан ташқари, қисқартмалар ва эмоджилар ҳам ўзига хос бўлиб, телеграм чатларда гапларни қисқартириш тенденцияси оммалашган. Масалан, *ok*", *"k"*, *"brb"*, *"xayr"*, *"rxa"*, *"haq"* ва ҳоказолар. Эмоджилар ҳис-туйғуларни ифода этишда нуткий актлар мазмунини тўлиқ беради. Масалан, 😊😏🔥👁️ кабилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Чат-средство обмена сообщениями по компьютерной сети в режиме реального времени//Электронный ресурс//<https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A7%D0%B0%D1%82/>//Мурожаат қилинган сана:20.07.2025.
2. Чат как устно-письменная коммуникация в интернет-среде//Электронный ресурс// <http://vestnik-ggu.ru/doc/lisov.pdf> //Мурожаат қилинган сана: 20.07.2027.
3. Чат: что такое, как работает, основные принципы//Электронный ресурс// <https://skyeng.ru/magazine/wiki/it-industriya/chto-takoe-chat/?ysclid=megq6n409z156005168> //Мурожаат қилинган сана//20.07.2025
4. Чат (программа)//Электронный ресурс//<https://kartaslov.ru/%D0%BA%D0%B0%D1%80%D1%82%D0%B0%D0%B7%D0%BD%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D0%B9/%D0%A7%D0%B0%D1%82+%28%D0%BF%D1%80%D0%BE%D0%B3%D1%80%D0%B0%D0%BC%D0%BC%D0%B0%29> //Мурожаат қилинган сана: 20.07.2025
5. Yigitaliyeva, S. (2023). KOGNITIV TILSHUNOSLIK VA UNDA KONSEPT TUSHUNCHASINING IFODALANISH. *Scienceweb academic papers collection*.
6. Yigitaliyeva Shohsanam. LINGUISTIC VIEWS ON WORD FORMATION; INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION 282-285
7. Dildora, B. va Shohsanam, Y. (2025). SODDDA NUTQIY TADQIQOTLARDA YANGI YANLASHISHLAR. *FARS xalqaro ta'lim, ijtimoiy va gumanitar fanlar jurnali.* , 13 (5), 634-638.